

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

ҲУҚУҚ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил
14 январь

02 (14)

Чоршанба



14 январь - Ватан ҳимоячилари куни

УЛАРНИНГ ОРТИДА
БИЗНИНГ ВАТАН БОР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**Б. Мустафоевни Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурори этиб тайинлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 9-банди ва «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ:

Бўритош Мустафоев ваколат муддати тугаганлиги сабабли қайта Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Тошкент шаҳри,
1998 йил 7 январь.

И.КАРИМОВ.

ҚОП КЎТАРГАН АЁЛЛАР

3-б.

ҚАБОҲАТ

4-б.

ниқоб кийган
қотиллар

Гулларнинг Разноси
ва талаб аҳлининг

мирсоси

(Ёзувчи Х.Султонов
билан суҳбат).

8-б.

ТУҲМАТ ҲАМ
ЖИНОЯТ

ЧОРШАНБАДАН

ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

БУЧОҚ АЛЛОМАЛАР ТҮЙИГА
ҲОЗИРАМ

Республика Вазирлар Маҳкамасида буюк муҳаддис Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги, қомусий аллома Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлди. Уни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур ташкилий қўмита раиси И.Жўрабеков бошкарди.

22- ҚАВАТДАН ХХІ АСРГА

Тошкентда қурилган Республика ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг янги бош биноси 22-қаватидан келгуси аср ўфқларини қандай тасаввур этиш ҳақида ҳозир бир нарса дейиш қийин. Лекин мутахассислар бир овоздан, бу банк ўзининг дунёда ўхшаш йўқ архитектураси, техник-коммуникация имкониятлари жиҳатидан бемалол ХХІ аср талаблари даражасида ишлаш қувватига эга, деб баҳо бермоқдалар. Шунинг учун жаҳондаги энг машҳур ўқув даргоҳларида таҳсил олган ўзбекистонлик ёшлар бу ерда ишлашга жалб этилмоқда.

Утган жума куни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг янги биносини бориб кўрди.

«УЗОҚ МАСОФАЛАРГА ПАРВОЗ
ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН»

Утган йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон авиаторларининг хавфсиз парвозларни таъминлашдаги ютуқлари халқро микёсида эътироф этилиб, улар махсус сертификат билан тақдирланган эдилар. Яқинда Нью-Йоркдан хуш хабар келди: Ўзбекистонлик учувчилар АКШ Федерал авиокомпаниясининг узоқ масофаларга учиб бўйича рухсатномасини олишга муваффақ бўлдилар. Парвозингиз яна ҳам юксак бўлсин, мустақил Ўзбекистоннинг ҳаво лочинлари!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИДА

1998 йил 10 январь куни Наманган шаҳрида Республика прокуратураси ҳайъатининг кенгайтирилган сайёр мажлиси бўлиб ўтди.

Фарғона водийси вилоятлари прокуратураларининг раҳбарлари, туман ва шаҳарларнинг прокурорлари мазкур ййғилишга таклиф этилдилар.

Ҳайъат мажлисини Республика Бош прокурори, 1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Бўритош Мустафоев бошкарди. Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари, 2-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Усмоҳ Худойкулов Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида вужудга келган мураккаб криминоген вазиятнинг сабаб ва шарт-шароитлари ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида маъруза қилди.

Шунингдек, Республика прокуратураси ҳайъатининг кенгайтирилган сайёр мажлисида айрим прокуратура ходимларининг интизомий жавобгарлик масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Мажлис якунида Фарғона водийсида, хусусан Наманган вилоятида вужудга келган криминоген вазиятнинг тезроқ бартараф этиш, қонунийликни таъминлашнинг аҳволини яхшилаш ва жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш чоралари белгиланди, тегишли қарор қабул қилинди.

ЧОРШАНБАГАЧА

